



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 26 декабрь, № 260 (6954) Сешанба

Сайтнинг айтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



САЙЛОВ ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА МУҚОБИЛЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Жорий йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

2017 йил 29 августда қабул қилинган "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун пойтахтимиз туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратди. Сайлов амалдаги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очиқлик, шаффофлик ва муқобиллик тамойиллари асосида ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мирзо Улугбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз бериш жараёнида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари таклифи билан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Бу борада адолат тикланиб, Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритилди. Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам ўзлари сайлаган вакиллари орқали туманларни бошқаришда иштирок этади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кунига пойтахтимизда катта тайёргарлик кўрилди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига кўра, овоз бериш жараёнида қатнашаётган барча сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари Тошкент шаҳрининг 11 туманида ташкил этилган 330 сайлов округига биттадан номзод кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов жараёнида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизими ҳуқуқий экспиримент сифатида амалиётга татбиқ этилди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш бўйича Ягона матбуот марказида сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Х. Каримов маълум қилишича, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлигига 1 минг 650 нафар номзод кўрсатилди. Сиёсий жараёнда пойтахтимизда истикомат қилувчи 1 миллион 267 мингдан ортиқ сайловчилар қатнашди. Бу сайловчилар сонининг 81,2 фоизини ташкил этди.

Дастлабки натижаларга кўра, 279 сайлов округида депутатлар сайланди. 51 сайлов округида эса такрорий овоз бериш ўтказилди. Такрорий овоз бериш амалдаги қонунчиликка мувофиқ, 2 hafta ичида ўтказилди.

Сайлов қонунчилигининг бузилишига оид айрим ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар сайлов комиссияларига келиб тушмоқда. Айни йилда ушбу ҳолатлар сайлов комиссиялари томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Натижалар бўйича тегишли чоралар кўрилиши маълум қилинди.

Сайлов натижаларига кўра, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 114, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 45, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 41, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 33, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 46 депутат сайланди. Уларнинг 65 нафари хотин-қизлар, 17 нафари эса 30 ёшга бўлган йигит-қизлардир. Депутатлар орасида 78 иқтисодчи, 55 педагог, 45 муҳандис, 38 шифокор, 22 ҳуқуқшунос ва 41 нафар бошқа касб эгалари бор.

Улугбек АСРОҚОВ, ЎЗА мухбири.

Сарвар ҲУСНОВ оlingan сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 – 2022 йиллар даврида БОЛАЛАРДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, республикада соғлом болалар туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари тармоғи яратилди, туғуруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилди.

2013 – 2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультраовуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республикаси "Она ва бола скрининг" марказлари чақалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига ташхис қўйиш учун юқори технологияли анализаторлар — тандем масс-спектрометрлар билан жиҳозланди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 1,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилди, бу 21 минг нафардан ортиқ ривожланишда туғма нуқсонлар бўлган буюқ туғилишининг олдини олиш имконини берди. 1,7 миллиондан ортиқ чақалоқ туғма ва ирсий касалликлар юзасидан текширилди, 2,7 минг нафар болага ривожланишнинг туғма нуқсонларини бартараф этиш юзасидан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш-ташхис қўйиш тадбирларини, айниқса, қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиғи ҳолати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон амалиётига мувофиқ туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ва "Она ва бола скрининг" марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болаларда ногиронлиқни камайтириш, шунингдек, "Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадига:

1. 2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. Қуйидагилар Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

"Она ва бола скрининг" марказларини юқори технологияли диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойида аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий текшириш ва хавф гуруҳига қирадиган ҳомиладор аёлларда генетик синдромларни биокимёвий текширишни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилада туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларга барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

ҳомилада ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромлар диагностикасида лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини, шу жумладан, цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган оғаклар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш;

"Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлаш замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадаги "Она ва бола скрининг" марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этиш, уларни юқори технологияли тиббиёт диагностика ускуналари билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда яшаш жойларида, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тушунтириш ва профилактика ишларини мунтазам ўтказиб борсин;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда барча тармоқлар қатори маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, шу йил 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ижодкор зиялилари вакиллари билан учрашуви соҳа ривожига янги тарихий даврни бошлаб берди. Ана шу учрашувда миллий маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар бундай таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари, ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар кўрсатиб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 декабрь куни Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида ҳам маъкур

соҳа ривожига алоҳида урғу берилиб, халқимиз, жамиятимизнинг маънавий юксалишида маданият ва санъат аҳли олдига турган вазифалар аниқ баён қилинди.

Бўлиб ўтган мажлисда ана шу вазифаларни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Ш. Маданият ва ижодий ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, бу борадаги ишларни фаоллаштириш ва янги босқичга кўтариш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маданияти ва санъати унинг гуруҳий тарихи билан ҳисобланади. Бугунги кунда миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш бўйича олиб бораятган барча ишларимиз шу мақсадга қаратилган, деди Президентимиз. Буюк кела-

жамиятни барпо этар эканмиз, аввало, унинг маданий ва маънавий асосларини мустаҳкам қуришимиз керак.

Ўтган бир йил давомида соҳани ривожлантиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина Маданият вазириги ва унинг тизимидаги муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича жами 8 та Фармон ва қарор қабул қилинди.

2017 йилда мавжуд 37 театр томонидан намойиш этилган спектакллари 3 миллион 133 минг мухлис томошга қилди. Ўтган давомида аҳолига 6 миллиард 72 миллион сўмлик маданий хизматлар кўрсатилди.

Хитой, Россия, Германия, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларда Ўзбекистон маданияти кўнакли ва турли санъат кўргазмалари ўтказилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу борада қилинган ишлардан кўра қилинмаганлар, долзарб вазифалар жуда кўп, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мамлакатимиз театрларининг халқимизга, жумладан, чекка туман, маҳалла ва қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш даражаси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди. Театрларнинг бу борадаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, театрлар фаолиятини ривожлантириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш, Ўзбек цирки ҳамда миллий рақс санъ-

атини ривожлантириш бўйича ҳам тегишли қарорларни кечиктирмасдан қабул қилиб, бу йўналишларда амалий ишларни бошлаш зарурлиги қайд этилди.

Аҳоли учун бундай вақтинчи мазмунли ташкил этиш, одамларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида 2011 — 2015 йилларда мамлакатимизда 225 истироҳат боғини замон талаблари асосида янгидан қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш белгиланган эди. Лекин ҳозирги кунга қадар 140 боғда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳомиёлар ва тадбиркорлар томонидан маблағ ажратилмагани сабабли 90 боғда режадаги вазифалар тўлиқ бажарилмагани танқид қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳужалик билан алоқалар раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, экспортчи корхоналар ва фермер ҳужаликлар раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда 2017 йил якуни бўйича прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш, миллий маҳсулотлар экспортни географиясини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ ҳужалиги ва саноат маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш

бўйича қўрилайтган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий дунёнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишининг энг муҳим омилларидан бири, бу — мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш ва миллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида норéal рақамлар ортидан қувиш, амалда самара бермайдиган режалар ҳақида баланддарвоз гаплар билан сўз юритишдек номмақул иш услуби танқид қилинди.

Муайян натижага эришишни мақсад қилган ҳолда иш юритишни ташкил қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб

15 фоиз кўпайди. 2018 йилда экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда.

Йиғилишда кейинги бир йилда экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсулотларни олдидан тўлов асосида экспорт қилиш, валюта тушумларини мажбурий сотиш, ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган ортиқча рухсатномаларни бекор қилиш ҳамда экспорт фаолиятида солиқ имтиёзларини қўллашни кенгайтиришга доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга Мурожаатномасида белгиланганидек, 2018 йилда экспорт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор ва-

зифаларга яна бир бор тўхталиб ўтилди. Яъни Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз — Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни бажариш бўйича қабул қилинган "Йўл хариталари" ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларини божхона қўриғидан ўтказишда хавф-хатардан огоҳ этиш тизимини жорий қилиш, божхона органлари томонидан берилмайдиган ортиқча ва замон талабига жавоб бермайдиган лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш лозим. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тарҳмини йилга 10 миллиард долларга етказиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида мувофиқдир.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳужалик билан алоқалар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди. Айрим тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик этишмаётгани, экспорт дастурини бажаришда сунташчиликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт географиясини ва номенклатурасини кенгайтириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 – 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

"Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан мувофиқлаштириш ва назоратни таъминласин;

5. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ва халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақилланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

ускунаси, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, болалар даволовчи овқати, дори воситалари 2023 йил 1 январгача бўлган мuddатда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви ййгимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин. 8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Қ. В. Акмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 25 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2018 – 2022 ЙИЛЛАР ДАВРИДА БОЛАЛАРДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сийёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Утган йилларда узоқ мuddатли самарага — миллатнинг генофондини яхшилашга, оилада тиббий маданиятни, аҳоли ҳаёти сифатини оширишга ва узоқ умр кўришига эришиш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун кулай шарт-шароитлар яратилиш юзасидан илчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Мана шу туйғайли "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси ҳамда Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш миллий модели, шу жумладан, чет элда умумэтироф этилди.

Скрининг марказларида 1,1 миллиондан ортиқ хомилдор аёллар туғишгача бўлган давр текширувидан ўтказилди. Улардан хомилдорлик даври патологик кечган 210 миң нафардан ортиқ аёллар дори-дармонлар билан даволанди. Умуман олганда, хомилдор аёлларни туғишдан олдин текшириш натижасида 21 миң нафардан ортиқ ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди.

базасини мустаҳкамлашни, сифат жиҳатидан яхшилашни тақозо этмоқда. Болалардан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига қўмақлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, туғруққа ёрдам берувчи муассасалар ва скрининг марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

ёшдаги болаларда хромосом синдромларга ташхис қўйишда цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш; болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш; скрининг марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жашон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

биокимёвий текширувдан ўтказиш (220 миң нафардан ортиқ хомилдор аёлларни текшириш режалаштирилмоқда); 310 миң нафардан ортиқ аёлларни хомилдорликнинг иккинчи уч ойлигида туғишгача биокимёвий скринингдан ўтказиш; тандем масс-спектрометрия усули билан ирсий алмашув касалликларини тасдиқлаш учун болаларни текшириш (18 миңдан ортиқ текширувлар); ривожланишида туғма ногиронликка олиб келадиган нуқсонлари бўлган болалар туғилишини икки баравар камайитириш имконини берди.

2013 — 2017 йилларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини даражасида 2,1 миллиондан ортиқ хомилдор аёллар текширилди, уларнинг 65 миң нафариди хомилда ривожланишининг туғма нуқсонлари аниқланиши муносабати билан хомилдорлик тўхтатилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида туғма аномалияли болалар туғилишининг интенсив кўрсаткичи 2000 йилдагига нисбатан 1,8 баравар камайди.

Шу билан бирга, тиббий генетика ривожланишининг хозирги босқичи бўлажак оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технология ёрдам кўрсатиш учун скрининг марказларининг моддий-техника

шаҳарлар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида хомилдор аёлларнинг туғишдан олдин оммавий ўлтраовуш текширувидан ўтказилишини жорий этиш; хомилдан генетик синдроми бўйича хавф гуруҳини аниқлаш учун хомилдорликнинг эрта мuddатларида аёллар қонини босқичма-босқич

Бундан ташқари, диспансер ҳисобида турган ва янгида ҳисобга олинган ирсий касалликларга чалинган болаларни махсус даволайдиган озик-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш давом эттирилади. Режалаштирилаётган тадбирларни амалга ошириш янги туғилган чақалоқларни скрининг текширувидан ўтказишни 95 фоизгача ошириш ва болалар ногиронлигига олиб келадиган ирсий касалликларга чалинган болаларни барвақт аниқлаш бўйича диагностика ва даволаш тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Йиғилишда Маданият вазирлиги томонидан келаси йил амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг аниқ мuddатлари белгиланди. Жумладан, маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, эстрада, ракс ва оркестр жамоалари фаолиятини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун замонавий мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш каби долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

демия фаолиятида бир қатор камчилик ва муаммолар учраётгани, уларни тезлик билан бартараф этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, Нукус, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилмаётгани, Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залини жаҳон стандартларига мос равишда замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш ишлари сўт олиб борулаётгани, бу эса юртимизда нуфузли халқаро кўргазмалар ўтказиш имкониятини чеклаётгани қайд этилди.

ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш бўйича олиб борилаётган ишларни илчил давом эттириш фойда муҳим вазифалардан бири экани алоҳида қайд этилди.

БИЗНЕС ФОРУМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш бўйича олиб борилаётган ишларни илчил давом эттириш фойда муҳим вазифалардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиради

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан "Ўзбекистон — Туркия" бизнес форуми ташкил қилинди. Туркия Республикаси ишбилармон доиралари делегациясининг мамакатимизга ташрифи доирасида уюштирилган мазкур форумда икки мамлакатнинг иқтисодий, инвестиция, савдо-саноат, туризм, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, фармацевтика, қурилыш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик каби соҳаларга масъул вазирликлар, идора ва компаниялари вакиллари қатнашди.

оқтябрь ойида Туркияга давлат ташрифи давомида икки мамлакат савдо алоқаларини ривожлантиришга оид 3,5 миллиард доллар ҳажмидаги 30 дан ортиқ лойиҳалар бўйича битим-ушбу форумда қўйиш имконини яратди. Хусусан, Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

ЎЗГАРИШНИ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасини ҳар бир юрtdошимиз, шубҳасиз, чуқур ҳаяжон ва зўр қизиқиш билан тинглади. Бинобарин, бу тарихий воқеликда кўтарилган масалалар, ўртага ташланган жамки муаммолар барчамизнинг бугунимиз ҳамда эртанги кунимизга, ҳаётимиз ва орзумидларимизга бевосита дахлдордир.

дири ҳамда келажаги, болаларимизнинг бахту иқболи учун ҳақиқий фидойи бўлишга ундайди. Албатта, мустақилликнинг дастлабки чорагида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар қаторида халқимизнинг турмуш тарзида, дунё-қарашда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганини фохр билан тилга оламиз. Бунинг инкор этмаган ҳолда таъкидлаш жоизки, хозирги шиддатли замонга мос равишда янада хушёр ҳамда фаол бўлиш, озгина мудроқлик ва ҳафсаласизлик ҳам баъзан кичик муаммолардан ижтимоий, иқтисодий таназзулларга йўл очиб бериши мумкинлигини эинхор унутмаслик аини заруратдир. Яна бир ҳақиқат шунки, бугун одамларимизда эътироз уйғотган муаммо камчиликларни ҳеч қим четдан келиб, бегараз ҳал қилиб бермайди.

инсонларни тарбиялаш масаласига етарлича аҳамият бермаётганимиз қайд этилиб, интеллектуал ва маданий салоҳиятли ёшларни камолга етказиш тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омилли эканини унутмаслик кераклигига ургу берилди. Шунинг ўзиде барчамиз, қайси лавозимда ишлаймишимиз ҳамда ижтимоий маъкеимиздан қатъи назар, ёш авлод тақдирига бирдек масъул эканлигимизга, "Боланинг бегонаси бўлмади" шiori қарашу одатларимиздан мустаҳкам ўрин олганига, бугун ўғил-қизларимиз дуч келаятган турли муаммою иллатлар барҳам топишига яна бир ишорадир.

Ботир МАТМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимизнинг куйнчаклик билан оқни оқ қорани қора, дея ҳолисона билдирган фикрлари халқимизнинг аини дилидаги гаплар бўлди. Бу аснода давлат ҳамда жамиятни тубдан ривожлантириш, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган мақсад ва устувор йўналишларни амалиётда рўёбга чиқариш билан боғлиқ долзарб вазифалар аниқ, лўнда ҳамда ҳаққоний кўрсатиб берилдики, шу дамгача кўз юмиб келинган ўзибўларчилик, кўзбўямачилик, бюрократия, коррупция каби иллатлар таг-томири билан йўқолиши учун фақат тегишли идора ёки мутасадди шакслар эмас, балки ҳар биримиз маълум даражада масъул эканлигини янада теранроқ ҳис қилдик. Чин

Биргина мисол. Бугун маълум кучларнинг дунёни бўлиб олишга бўлган интилиши, кураши қутилмаган тарзда кескинлашиб ҳамда ўзгариб бораётган мураккаб пайтда эртамиз эгалари санъаткор ёшларимизни асраш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳаёт-мамот масала-

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АВАЗ ЭРГАШЕВ



Мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган ва халқимиз хурмати сазовор бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев шу йил 25 декабрь куни вафот этди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙҮЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Э. МИРЗАЕВ, Б. ЮСУПОВ, Т. ЖҲРАЕВ.

нинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда фермерлик ҳаракатини ташкил этиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини шакллантириш борасида фидокорона меҳнат қилди. Унинг раҳбарлигидаги фермер хўжалиги кишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш бўйича вилоятда энг юқори кўрсаткичларга эришиб келган.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, аҳамиятига бағишланган тadbирларда дастуриламал ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича фракцияларнинг чора-тадбирлар режаси муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Фракциялар Мурожаатномадан келиб чиқиб, вазифаларни белгилаб олди

Чунончи, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, мажлис тарихий аҳамиятга эга ҳужжат давлатимиз раҳбарининг яқунлаётган йил бўйича халқимиз олдидаги ўзига хос ҳисоботи ҳамдир. Унда мамлакатимизни келгусида ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди, бир қанча қонунчилик ташаббуслари илгари сурилдики, бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Депутатлар эътироф этганидек, давлатимиз раҳбари тақлифи билан янги — 2018 йилга мамлакатимизда "Фаол тadbиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилган ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларидан янада фаол бўлишни, соҳани ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга оид янги-янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқишни талаб этади. Бинобарин, келгуси йилда фаол тadbиркорликни ривожлантириш давлатимиз ўзидики тadbиркорлик масаласи бўлиб, соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадвал баъқарор ривожлантириш йўлидаги бўлишни, соҳани ривожлантириш қилиш бўйича зарур чоралар қўриш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тadbиркорлик субъектларини фаолиятини текшириш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш тақозо этилади. Бу, аслида, ЎзЛиДеП сайловотида платформасида назарда тутилган вазифаларга тўла мос келади. Зеро, партия кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорликни жадвал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни

амалга ошириш учун энг қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, иқтисодий ўсиш суръатларини изчиллигини таъминлаш, таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, жаҳон бозорларида унинг рақобатдошлигини оширишнинг энг муҳим ҳамда зарур шарт сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни мақсад қилган.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш, кўпгина ваколатлари марказий давлат органларини ҳудудий органларга ўтказиш вазифасини қўйди. Бу механизмнинг ҳар томонлама шаффоф ҳамда самарали ишлаши учун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда халқ депутатлари Кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати мустаҳкамланди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлари ўз вазифа, ваколатига масъулият билан ёндашиши, аҳоли манфаатларини муҳофазалаш, аниқ тақлифлар, қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсатиши лозимлиги қайд этилди.

Яхшилар ичра Ватан

Олам ўзгаради, одам ўзгаради. Ҳаёт ўзгаришлар билан файзли, тириклик янгиликлар, янги хушбахтарлар ила жозиб қўрқам.

қилувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очик айтиш керак. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлагани йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳазимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди.

синфда ўн-ўн бир йиллик таълим давомида, дейлик, ўттиз нафар иқтидорли фарзандларимиз ўқиб камол топса, келажакнинг юртимиз шаънини оламга тараннум этадиган улғу-улғу шоиру ёзувчилари шулар орасидан чиқади-да!

Марказий Осиё. Минтақалар, эллар ва элларга муносабатлар. Катта ва кичик давлатларнинг раҳбарлари ҳам уйғоқ дарёларга ўхшайдилар.

Давлатимиз раҳбари эртасига Миллий боғ ҳудудидagi Ёзувчилар уюшмасининг янги биносига кириб келаркан, ижод ахли вакилларига қарата айтган илқ муборакбод сўзлари ҳам, ундан сўнг адабиёт ва ёзувчининг бугунги дунёда ҳамда жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги теран фикр-мулоҳазалари ҳам худди кекаги тарихий Мурожаатноманингу зувий давоми "сингари қалбларни ҳаяжонга солди."

Адабиётимиз яна уйғонди. Унга меҳр ва эътибор, юксак ғамхўрлик билан турки берилди. Ўзбекистондаги адабиётимиз ва халқимизнинг шаъни-ғурурини оламга тараннум этиб, ўз боболаримизга муносиб авлодларни камол топтиришдан иборат бўлмоғи лозим.

ЕШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти ғолиблари тантанали тақдирланди. Унда қатор вазирик ва идоралар, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган иқтидорли ёшлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари ва ОАВ ходимлари қатнашти.

Юксак марралар сари рағбат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қурнобев ҳамда бошқалар мамлакатимизда Президентининг раҳнамолигида ёш авлодининг баркамол улғайиши учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади. Мажмуи шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, ўз салоҳиятини намойиш этаётган ўғил-қизлар моддий ва маънавий рағбатлантириб келинмоқда.

ЭЪЗОЗ

Йигирма беш ёшлар атрофида, бундан салкам эллик беш йил аввал чоп этилган дастлабки китобини Иброҳим Фафуров "Ўзбекистоннинг олмос қирралари" деб атаган эди. Назаримизда, бу бўлажак адиб, мунаққид ва мутаржимнинг бадиий асарларида, умуман, бадииятда англашга киришган, кўраётган ҳамда топаётган олмос қирраларгина эмас, унинг ўз табиатида, янада аниқроқ айтганда, ўз иродасида намоён бўла бошлаган олмос қирралар эди. Шу тариқа "ирода" сўзида ифода топувчи маъно-мезон, фалсафий моҳият унинг кейинги буткул ижоди ва фаолиятидаги барча қатимларни ҳам бирлаштириб туради, ҳам уларга таъсир кўрсатади. Бадиалари, мақола ҳамда таржималарига диққат билан эътибор берсангиз, мазкур сўзда англашилувчи маънонинг ранг-баранг қирралари англи ёхуд онг оқими тарзида зоҳир бўлишидан ташқари, "ирода" сўзининг айнан ўзи ҳам ранг-баранг, аксар ўринларда фалсафий талқинда таққорланиб туришининг гувоҳига айланасиз.

Олим талқинчи, ирода биз аниқлаган қатъият тушунаси-дан ҳам кенгроқ ҳодиса бўлиб, у айни вақтда Яратган инсонга инъом этувчи қатор фази-латларни ҳам қамраб олади. Табиатин ирода ҳурлиги де-ган ҳрлат бори, у деврли "ин-сон эрки" деган муқаддас мо-ҳият билан уйғунлашиб кета-ди. Иброҳим Фафуров гоёларига кўра, ирода де-ган хилқат "Инсоннинг яшаш ҳақ-ҳуқуқлари"даги жамулжамликдан шаклла-нади ва унинг даражоти ҳамда йўналишига асосла-ниб восил бўлади. "Уму-инсоният иродаси инсо-ниятни, у қаерда яшамас-син, қаерда туғилмасин, қайси ирқа мансуб бўлмас-ин, бирлаштириб туради" дейди у. Шу боис одам-эоднинг улкан ютуқлари ёхуд алоҳида шахс эришган нати-жаларига эмас, "бориб тур-ган хорлик, қашшоқлик ҳам ирода сустигида"дир. Демак, олимнинг изланишлари, топ-ганлари, ижод туҳфа этувчи роҳат ва азоблар, барчаси — унинг иродасидаги нур ҳамда тўқинлар самарасидир. Ан-глашилдики, унинг бири-би-ридан гўзал ва ихчам: ҳаёт из-тиробиари ҳамда тароватла-рининг қулбда янада бойиб, равшанлашиб акс садо бер-ган ҳрлатлари, оҳанглари тас-вирланган эсселар, бадиий асарлардаги сир-асрор ва санъаткор маҳоратидаги ёд-ду-лар, нур етишмай қолган ну-талар очиб берилган адабий-танқидий мақолалар ва ҳатто, дейлик, унинг таржимасида юзага чикувчи Нишенинг "Зардушт таваллоси".

Ҳаёти давомида эгалаган ба-дий, илмий, ҳиссий тажри-балар воситасида такомилла-шиб борган. Ирода ҳақидаги таълим-отларни ўзлаштириш ва бу фа-зилатни ўзида шаклланти-ришда Фарбу Шарк доғиш-мандлари катта таъсир кўрсатган. Хусусан, унинг

соннинг, жонзотнинг-ку юра-ги бўлади. Хўш, шеърнинг, ли-риканинг ҳам юраги борми? Муаллиф қаламига мансуб "Лириканинг юраги" китобини ўқисангиз, худди одамга ўшаб шеърятнинг ҳам жон-сарак юраги борлигига, бўли-ши кераклигига нақ ишонасиз. Инсон, туйғу, бадииятдаги

йўлари ҳамда табиатидаги иродада Шопенгауэрдан Нишешга ва Нишешдан туринг "Зардушт таваллоси"ни тар-жима қилиш орқали ўзбек адабиёти ўтган ирода — ҳаёт-даги аксар савқи табиий жа-раёнларнинг асосидир, дей-лиган қарашларининг таъси-рини кўргандек бўламиз. Иброҳим Фафуровнинг ада-бий-танқидий мақолалари, ки-тобларини бугунги адабиёт илмимизнинг, адабий жараён-ларимизнинг юрак уришлари, ижодий юзи, янги тилдаги на-муналари, дейиш мумкин.

Санд Аҳмад ижодида ба-ғишланган таъдиқотини "Про-занинг шоири" деб номлар-кан, бу адиб қаламидаги шо-ирона гўзалликка ишорагина эмас. Китоб бошидан охири-гача ёзувчи туйғуларига ил-ҳом нурларининг шоирона товланишларини кўрсатишга, ёзувчининг поэтик маҳорати-ни очиниша қаратилган.

Таъдиқотини адабиётшунос олим мақолаларида, албатта, бадииятнинг бирор-бир муам-моси марказга қўйилди. Ма-салан, шеърятдаги энг дил-бар хусусиятлардан бири жо-зиба қондасини ўрганишга алоҳида эътибор берилган мақолалар туркумини яра-тади. Улар асосида "Жозоба" китоби майдонга келади. Ин-

сыйси, китобнинг "Аждодлар васли" бобидаги "Навой — Бизнинг ота-бизимиз", "Навойга унсият" туркумида-ги, "Мансурлар" бобидаги ўнлаб жажжи бадиий асарлар китоб номидаги гоё ҳамда мақсад дунёларининг ёрқин рухий-поэтик қирралари тар-зида намоён бўлади.

Иброҳим Фафуровнинг тар-жимонлик маҳорати ҳақида ҳажжонланмай, тўқинланмай гапириш қийин. Унинг таржи-малари мисолида Ўзбекистон-да янги тилдаги таржима мак-таби юзага келди, дейиш мум-кин. У таржима бадиий асар-ни бир тилдан иккинчисига ўғириш ва ағдарилгани эмас, балки қайта яратиш санъати эканлигини амалда кўрсатди. Таржимашуносликда тақро-р-тақроор айтиладиган бир фикр бор. Таржима этилган асар, айнан аслиятдагидек чиқмай-ди: у аслиятдан ёхуд бўшроқ

ёки кучлироқ чиқиши мум-кин, дейилади. Бир мисол, рус кинематографларининг "А зори здесь тихие" деб номланган машҳур бадиий фильми бор. Унинг номи-ни худди аслиятдаги матн-нинг ўзидек қилиб таржи-ма қилиш қийин эмас эди. Лекин таржимон номдаги матндан кўра, фильм мо-ҳиятига таянади ҳамда унинг замиридан узоқлаш-маган ҳолда ўқилаётган тил мансуб бўлган миллатнинг руҳиятига асосланиб иш кўришни маъқул билади: фильм номи "Хур қизлар" деб ўғарилади. Шу қадар муваф-фақиятлики, ҳавас қиласиз. Ёки яна бир мисол. Нишеш-нинг рус тили орқали таржи-ма қилинган асари "Так гово-рит Заратустра" деб аталади. Кўриниб турибдики, бу ном жаҳон фалсафаси тарихидаги ушан асарнинг ички моҳияти-ни етарлича акс эттирмайди, чунки таржимон чукр идрок ҳамда ички бир ҳиссиёт билан туйди. Шу боис унга муносиброқ ном излай-ди ва топади: "Зардушт та-валлоси". Ҳам асар моҳияти-га мос, ҳам ўғирилатган тил мансуб халқнинг миллий ру-ҳиятига монанд.

Мамлакатимиз истиқлоли-нини 26 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан Иброҳим Фафуров "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" кўсак унво-нига мушарраф бўлди. Бу эса халқимизнинг бундай ватан-парвар, меҳнатсевар, фидойи фарзандига кўрсатилган эъзоз ҳамда эътибор ниҳоят-да муносиб ва ярашиб тур-ганини яна бир бор тас-диқлайди.

Бахтиёр НАЗАРОВ, академик.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

ASAKA BANK
ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банки жамоаси
сизларни тобора яқинлашайтган
Янги йил билан самимий табриклайди!
Янги йил юртимизга тинчлик, осойишталик ва фаровонлик, ҳар бир оилага файз ва қут-барака олиб келсин!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!
Байрам муносабати билан қуйидаги мўддатли омонат турларини таклиф қилади:
Миллий валютада:
«ҚАДРИЯТ» Омонатнинг сақланиш мўддати — 2 ой.
«БАРАКАЛИ» Омонатнинг сақланиш мўддати — 6 ой.
«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш мўддати — 12 ой.
Хорижий валютада:
«МАДАД» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш мўддати — 3 ой.
«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш мўддати — 24 ой.
«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (евро) Омонатнинг сақланиш мўддати — 12 ой.
Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.
Барча омонатнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
«Асака» банки сармомонингизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган.

unicef
БМТ Болалар жамғармаси
Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй, «Пойтахт» бизнес маркази.
Телефонлар: (0-371) 233-95-12, 233-97-35, 233-77-09.
Факс: (0-371) 140-65-08.
Арiza топшириш учун таклифнома
Дастлабки малакавий танлов
БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қизиқиш билдирган, рўйхатдан ўтган компаниялар ва муассасаларни қуйидаги йўналтирувчи тамойиллар асосида ўз қизиқиш билдиришномалари (КБ)ни топширишга таклиф этади.
Мазкур КБ Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида совуқ омборхоналарини қуриш ва таъмирдан чиқаришни амалга оширувчи потенциал пудратчи ташиқлотларни дастлабки танловдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.
Объектлар номи
Асосий вазифалар доирасига қуйидаги ишлар қиради:
1. Қурилиш ишлари:
• Объект № 3-1. Тошкент шаҳрида жойлашган Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-2. Фарғона шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-3. Самарқанд шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-4. Қарши шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-5. Урганч шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-6. Нукус шаҳрида жойлашган Қорақалпоғистон давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-7. Гулистон шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
• Объект № 3-8. Бухоро шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун янги музлаткич омборхона биносини қуриш.
2. Қурилиш-таъмирлаш ишлари:
• Объект № 3-10. Андижон шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун музлаткич омборхонасида қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишларини амалга ошириш.
• Объект № 3-11. Термиз шаҳрида жойлашган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун музлаткич омборхонасида қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишларини амалга ошириш.
• Объект № 3-12. Наманган шаҳрида мавжуд гараж биноларини қайта жиҳозлаб, уни вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун музлаткич омборхонасига айлантириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишларини амалга ошириш.
• Объект № 3-13. Тошкент шаҳрида мавжуд гараж биноларини қайта жиҳозлаб, уни шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг вакциналар учун музлаткич омборхонасига айлантириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишларини амалга ошириш.

Объектларнинг киска техник баёни:
1. Янги қурилиш
Девор ва том ёпиш қурилмаларида қўлланувчи асосий материал сендвич-панеллар бўлиб, улар металл каркасга монтаж қилинади. Бунинг натижасида ички ва ташқи безаш ишлари минимал миқдорда амалга оширилади. Қурилиш доирасида қуйидаги монтаж ишларини бажариш зарур: иситиш қозонлари, электр генераторлар, совитиш ва вентиляция ускуналари ўрнатиш, техник коммуникациялар монтаж — майдон ичи ва бино ичи (сув ўтказиш тармоқлари, оқова суви тармоқлари, энергия таъминоти), ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва бориш йўларини тайёрлаш.
Объектлардаги қурилиш ишлари ҳажми 450 м² дан 1 200 м² гача бўлиши мумкин.
2. Қурилиш-таъмирлаш ишлари
Деворлар ва тўсиқлар қурилмаларидаги ташқи ва ички безаш учун қўлланувчи асосий материал рухланган пўлатдан ясалган слайдинг-панеллар бўлиб, улар рухланган профилга монтаж қилинади. Бунинг натижасида ички ва ташқи безаш ишлари минимал миқдорда бажарилади. Таъмирлаш ишлари доирасида қуйидаги монтаж ишлари амалга оширилади: иситиш қозонлари, электр генераторлар, совитиш ва вентиляция ускуналари ўрнатиш, техник коммуникациялар монтаж — майдон ичи ва бино ичи (сув ўтказиш тармоқлари, оқова суви тармоқлари, энергия таъминоти тармоқлари), ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва бориш йўларини тайёрлаш.
Объектлардаги таъмирлаш ишлари ҳажми 850 м² дан 1 600 м² гача бўлиши мумкин.
3. Талаб этилувчи малакавий ва касбий маҳорат.
Барча номзодлар белгиланган талабларга жавоб бера оладиган тарзда қуйидагича малакаларга эга бўлишлари лозим:
• қурилиш ва таъмирлашда меҳнат тажрибасига эга бўлиши;
• танловда баён этилган шартномага ўхшаш бўлган, камида 2 та шартномани бажарган бўлиши;
• бунга ўхшаш шартномалар билан ишлашда камида 3 йиллик меҳнат тажрибасига эгаллиги ва ушбу тажриба ҳисоботлар орқали ёки олдинги иш бериувчиларнинг тавсиялари ёрдамида тасдиқланган бўлиши;
• компаниянинг камида 5 нафар ходими доимий бандлик асосида ишлаётган бўлиши;
• махсус объектларни қуриш/реконструкция қилиш борасида камида 3 та шартномани муваффақиятли якунлаган бўлиши, кўрсатилган ҳудудларда меҳнат тажрибасига эгаллиги ижобий омил сифатида қабул қилинади;
• кўрсатилган ҳудудларда ўз бўлинуларига эга бўлиши ёки у ерлардаги қурилиш-таъмирлаш компания-лари билан профессионал алоқаларга эга бўлиши;
• БМТ ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик тажрибасига эгаллиги ижобий омил сифатида қабул қилинади.
4. Ҳужжатларни топшириш жараёни.
Танловда иштирок этимоқчи бўлган компания ЮНИСЕФ идорасига ўз қизиқишини баён этувчи хат йўллаши лозим бўлиб, мазкур хатда компания ишлаш иштиёқида бўлган объектлар номи кўрсатилиши жоиз. Тендернинг баҳога оид қисмида иштирок этиш учун компания хати 2018 йил 15 январдан кечикмаган ҳолда юборилиши керак. Қизиқишни билдириш хатига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:
• компания портфолиоси;
• Ўзбекистон Республикасининг мутасадди идоралари томонидан «Ишлар қўлами баёноти»да кўрсатилган қурилиш ва бошқа ишларни бажариш учун берилган лицензия ва/ёки бошқа рухсатномалар нусхалари. Лицензия ва/ёки рухсатномаларнинг амал қилиш мўддати таъмирлаш ишларини якунлаш назарда тутилган санадан олти ой кейинги мўддатни ўз ичига олган бўлиши керак;
• сўнги уч йил давомида компания томонидан амалга оширилган бунга ўхшаш шартномалар рўйхати;
• лойиҳа амалга оширилишини мувофиқлаштиришга маъсۇл бўлган компания раҳбарининг резюмеси. Қизиқиш билдиришномаси хати ва бошқа ҳужжатлардан иборат пакет ҳамда бошқа сўрвномалар устига «Қурилиш ёки таъмирлаш ишлари» эслатмаси ёзилган ҳолда, қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим:
ЮНИСЕФ Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй, «Пойтахт» бизнес маркази. Телефонлар: (0-371) 233-95-12, 233-97-35. Факс (0-371) 232-11-29. www.unicef.uz

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буорта Г. — 1245. 73 542 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.10 1 3 4 5 6